



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

**Бекмиров Толиб Рашидович**

*Тошкент тиббиёт академияси, Педагогика ва психология  
Кафедраси ўқитувчиси*

**ЎСМИРЛАРДАГИ ИН҆ҚИРОЗ ДАВРИ ВА НЕВРОЗ ҲОЛАТЛАРНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

## Аннотация

Жамиятнинг асосий қисмини ўсмир ёшлар ташкил этади, уларнинг келажакда илмли, соғлом, психологик жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда ота-онанинг, маҳалланинг ҳамда педагог ходимларнинг асосий ўрни муҳимдир. Ҳозида даврда ўсмир ёшларнинг кўпчилигига, ўтиш даврида невроз ҳолатлари учраб туради. Ушбу мақоламиизда биз айнан ўсмир ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятлари талқини ва невротик ҳолатларни ҳақида маълумот берамиз.

**Калит сўзлар:** ўсмир, невроз, ўтиш даври, психолог, психологик ривожланиш, невротик ҳолатлар.

Бутунжаҳон согликни сақлаш ташкилоти берган маълумотларга қараганда ҳар олиитта одамдан биттаси ўсмир, яъни 10-19 ёшдаги болага тўғри келар экан. Айнан 10-19 ёш ўсмир болаларнинг шахс сифатида шаклланишининг ўзига хос даври ҳисобланади. Кўпчилигимиз ушбу ўтиш давридан ўтганмиз ёки фарзандларимизда кузатганмиз, ўсмирлик давридаги утиш даврини психологик тадқиқ этиш шу қадар муҳимки, бунда шахсда турли жисмоний, ҳиссий ижтимоий эмоционал ўзгаришлар содир бўлади. Нафақат ўсмир психологик жиҳатдан улғайиб бради, балки ташки таъсиrlар натижасида унинг хулқи, характеристики, қарашлари эътиқоди ҳам ўзгаради. Баъзи бир манбаларда ўсмир ёшдагиларнинг психологик ривожланишига унинг



ижтимоий ҳаёт тарзи, руҳий зарбалар, қўрқув, зўравонлик, қашшоқлик каби омилларни таъсирини таъкидлайдилар.[6]

Жамиятнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этиди, ёшларнинг психологик жиҳатдан баркамоллиги оила ва жамият ривожида муҳим саналади. Ҳозида инсонларда учраб психологик касалликлардан бири бу невроздир. Ушбу мақоламиизда биз айнан ўсмир ёшдаги болалардаги невротик ҳолатларнинг психологик хусусиятлари ҳақида маълумот берамиз.

Кўпинча жамиятда невроз атамасини эшишиб турамиз, лекин психологлар ва неврологлар учун одатий иш жараёнига боғлиқ термин ҳисобланади. “Невроз” атамасини фанга биринчи бўлиб 1776 йили шотландиялик врач Келлен таклиф қилган. Бироқ невроз касаллиги жуда қадимдан маълум. Маълумотларга кўра дунё аҳолисининг 20% да невроз мавжуд ва бу кун сайн ортиб бормокда. [1]

Неврозни кўплаб олимлар, шу жумладан психологлар, неврологлар, физиологлар ўрганишган. Невроз борасида Зигмунд Фрейд: “Невроз – бу ички зиддиятлар ҳосиласи”, Альфред Адлер: “Невроз – касаллик эмас, балки нотўғри ҳаёт тарзидир”, Карен Хорни: “Невроз – инсонлар орасидаги нотўғри муносабатлар оқибатидир” деган таърифларни беришган. Профессор З.Р. Ибодуллаевнинг “Асад ва руҳият” китобида “Невроз – асад тизимининг функционал касаллиги бўлиб, инсонга руҳий жароҳат етказувчи ташқи ва ички омиллар натижасида ривожланади. Демак, невроз асад касаллигидир.”[7] деб таъриф берилган. Невроз касаллигини тиб илмининг сultonи мутафаккир Абуали Ибн Сино ҳам мукаммал ўрганган. Ўша даврларда неврозга шундай таъриф берилган: “бу касаллиқда тана ҳарорати қўтарилемайди, бирон-бир аъзо заарланмайди, танада лат еган жойлар бўлмайди, бироқ беморниң асаби бузилган бўлади”.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида бир нечта неврозлар кўрсатиб ўтилган: **Неврозлар** – узоқ давом этган руҳий изтироблар натижасида нерв системаси фаолиятининг бузилишидан келиб чикадиган асадий руҳий касалликлар; ўзаро яқин функционал руҳий касалликлар (неврастения, истерия, психастения), эмоционал ёки ақлий жиҳатдан толиқиши натижасида, кўпинча инфекцион ва бошқа касалликлар таъсирида юзага келади.

Ўсмирик ёшининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотларга назар солсак, унда турли хил назариялар, фаразлар ва фундаментал изланишлар борлигининг гувоҳи бўламиз. Ўсмирик ёшига хос ёрқин психологик концепсиялардан бири XX асрнинг бошларида Л.С. Виготский (1930) томонидан яратилган маданий-тарихий назария бўлиб, унда мазкур ёш симптоматикаси, ўсмир психологиясидаги барқарор ва тарихий ўзгарувчанлик, унинг феноменларига оид илмий концепсияларнинг интерпретатсияси берилган.

С.Холл (1940) ўсмир характеристида парадоксаллик ва амбивалентлик ҳолатларини изоҳлаб, уларнинг фаолиятларида ўта фаоллик ҳукмронлик қилишига эътиборни қаратиб, уларда шодлик ўрнини қайғу, ўзига ишончни тортинчоқлик, худбинликни алtruизм, маънавий интилевчанликни паст қўзгалувчанлик, мулоқотмандлик истагини писмиқлик ва ҳоказолар тезкор ўрин алмashiши билан ифодаланишини, ўзини ўзи англаш кризиси билан боғлайди.

Америкалик психолог А.Гезелл (1880-1861) С.Холл каби ривожланишнинг биологик моделига асосланади ва бунда янгиланиш, интегратсия ва мувозанат ўрин алмашади,



деб ҳисоблайди. Э. Шпрангернинг издошларидан бири В.Штерн ўсмирлик ёшини шахс шаклланишининг асосий босқичларидан бири деб қарайди. В.Штерн «Дўстингни кўрсатсанг, кимлигинни айтаман» деган нақлга «Ҳаётингдаги энг қимматли кечинмангни айт, мен сенинг кимлигингни айтаман» деган маъно бериб, уни изоҳлашга ҳаракат қиласди.

Л.С.Виготский ўтиш даврига хос қизиқишлар муаммосини атрофлича ўрганиб, буни «ўсмирнинг психологик ривожланишидаги муаммоларни ҳал қилишнинг ягона калитидир» деб изоҳлади. Ўсмирлик ёши эски қизиқишларнинг бузилиши ва йўқолиши ҳамда янги биологик асосга эга янги қизиқишларнинг вужудга келиши даври ҳисобланиб, унда бир неча ёрқин қизиқишлар мавжуд бўлиб, уларни доминант қизиқишлар деб атади. Улар: эготцентрик, яъни ўз шахсига қизиқиш, келажагига қизиқиш, яъни бугунги куни эмас, балки узоқни кўра билишига қаратилган установка; зўр бериш (ҳаракат), яъни қайсарликка асосланган иродавий зўриқиш, тарбия усулларига қаршилик кўрсатишдан иборат салбий ҳаракатлар, хаёлпарастлик, яъни ўсмирнинг саргузаштларга бой, турли қаҳрамонликлар кўрсатишга интилишлари билан боғлиқ таваккалчилигидан иборат.

Юқоридаги фикрлардан кўриб турганимиздек, ўспиринлик даври психология фанида мавжуд бўлган назариялар ва оқимлар вакиллари томонидан турлича таърифланади ва баҳоланади. Шуни таъкидлаш жоизки бу мунозаралар ҳали хануз давом этмоқда. Ўсмирлик – болалиқдан катталикка утиш даври булиб, физиологик ва психологик жихатдан узига хос хусусиятлари билан характерланади. Бу боскичда болаларнинг жисмоний ва психик тараккиёти жуда тезлашади, хаётдаги турли нарсаларга кизикиши, янгиликка интилиш ортади, ҳарактери шаклланади, маънавий дунёси боййиди, зиддиятлар авж олади. Ўсмирлик балогатга етиш даври булиб, янги хислар, сезгилар ва жинсий хаётта тааллукли чигал масалаларнинг пайдо булиши билан хам характерланади. Булар таъсирида ўсмирнинг ҳарактери, атрофдаги кишилар билан муомаласи, жамиятда содир булаётган воқеаларга муносабати тез узгариб боради. Баъзан ижтимоий масалалар тугрисида нотугри тасаввур ва янглиш фикрлар хосил булиши туфайли у муаян тартиб-коидаларга танкидий куз билан қарайди.

Ўсмирда психик жараёнларнинг кескин узгариши билан аклий фаолиятида хам бузилишлар сезилади. Шунинг учун шахслараро муносабатда, укувчи билан укитувчи мулокотида, катталар билан ўсмирларнинг муомаласида катъий узгаришлар жараёнида кийинчиликлар пайдо булади. Булар аввало таълим жараёнида руй беради: янги ахборот, маълумотларни баён килиш шакли, услуби ва усуллари ўсмирни кониқтирмай куяди.

Ўсмирлик дасридаги инқироз даври кечиши боланинг келажакдаги психологик портретига катта таъсир ўтказади. Айнан инқироз даврини оғир ўтказаётган ўсмирларда оиласи билан алоқани унчалик қониқарли эмаслиги, оила аъзолари отаона ўртасидаги мулокотнинг нормада эмаслиги ёки ўсмирга керакли пайтда психологик қўллаб қувватланмаганлиги каби омиллар таъсирини ўтказади.

Баъзи носоғлом оила муҳитида тарбия кшраётган ўсмирнинг психологик ва моддий эҳтиёжлари қондирилмаслиги оилага ва ўзига бўлган ишончсизлик келтириб чиқаради.

Ўсмирлик давридаги асосий хусусиятлардан бири аҳамиятли шахсларнинг алмашиниши ва катта ёшдагилар билан ўзаро муносабатларнинг қайта қурилишидир.



Ёшга оид “биз” тушунчаси болалик даврида ҳам мавжуд бўлади, лекин бола иккита дунёнинг – катталар ва болалар дунёсининг фарқини қабул қиласди. Ўсмирлар ўртада жойлашади ҳамда бу оралиқ ҳолат уларнинг психологияси, хусусан ўзини ўзи англашининг жуда кўп хусусиятларини белгилаб беради.

Француз психологи Б.Заззо 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалардан ўзларини кичкина деб ҳисоблайдиларми ёхуд катта ёки ўртами (бўйига қараб эмас, ёшига қараб) деган саволни ойдинлаштиришга ҳаркат қиласди. Бунда мактабгача ёшдаги болалар ўзларини кичкиналар билан солиштириб уларга нисбатан “катта” эканликларини эътироф этганлар. Мактаб ёши болага тайёр сон кўринишидаги этalonни беради – бир синфдан иккинчи синфга кўчиш; кўпчилик болалар ўзларини “ўрта” деб баҳолайдилар. 11 ёшдан 12 ёшгача санаш нуқтаси ўзгаради: унинг эталони бўлиб катта одам ҳисобланади, “ўсиш” унинг учун катталар қаторига қўшилишни билдиради.

Ўтиш даврининг муҳим эҳтиёжларидан бири бу назоратдан, ота-оналар ҳимоясидан ва умуман катталар томонидан ўрнатилган қоидалардан халос бўлишdir. Алоҳида кўриладиган ижтимоийлашув омилларидан энг муҳим ва таъсиран омил бу оиладир. Унинг таъсирини ўсмир ҳаммадан олдин ҳис қиласди. Э.К.Василйева (1995) ўсмир шахсининг шаклланишига унинг ота-оналар билан ўзаро муносабатлари мароми ахамиятли таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Э.Фозийев (1994) шуни таъкидлайдики, “ўсмирлик ёши дунёқараш, эътиқод, нуқтаи, принцип, ўзлигини англаш, баҳолаш ва ҳоказолар шакланадиган давр ҳисобланади. Кичик мактаб ёшидаги бола катталарнинг кўрсатмалари ёки ўзининг тасодифий, ихтиёrsiz орзу-истаклари билан ҳаракат қилса, ўсмир ўз фаолиятини муайян принцип, эътиқод ва шахсий нуқтаи назар асосида ташкил қила бошлайди”.

А.В.Либин (2008) фикрича, ўсмирлик даврига келиб қиз болаларда вербал фаоллик кузатилса, ўғил болаларда абстракт манипулятсия кўзга ташланади. Бироқ жуда кўп муаллифлар бу хусусиятларни таҳлил қилишда муҳит таъсирига эътибор қаратишни алоҳида таъкидлайдилар. Характер тузилмаси ҳам, мен образи ҳам бу даврда жинсий тафовутларга эга бўлади. Қизларда жисмоний ҳолати ва ижтимоий йўналтирилиши, шунингдек когнитив кўнималар ва қизиқишлиарда етуклик белгилари ўғил болаларга нисбатан кучлироқ намоён бўлади. Унинг фикрича ўғил болалардаги “мен” образи унга киритилган таснифларнинг фоиз мутаносиблигига кўра ўзларидан икки ёш кичик қизлардаги “мен” образига тўғри келади. Тафовутлар ўзини ўзи тасвирлаш тузилмасида ҳам кузатилади. Ўғил болалар кўпинча ўз қизиқишлиари ва машғулотлари ҳақида ёзсалар, қиз болаларда қарама-қарши жинс вакиллари билан ўзаро муносабатлар мавзулари, оила ва қариндошлар муаммолари устунлик қиласди. Айнан шу хусусиятларда ижтимоий кутилмалар таъсири намоён бўлиши мумкинлиги эътироф этилади.

Ўсмирлар орасида неврозлар анча кенг тарқалган касаллик бўлиб, асосан, асаб тизими туғма ёки ҳаётда орттирилган заиф болаларда кўпроқ кузатилади. Неврозларда марказий нерв системасида ҳам, ички аъзоларда ҳам жиддий органик ўзгаришлар бўлмасада, бош мияда кечадиган асосий жараёнлар кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро муносабатлари бузилади. Неврозларда психозлардан фарқли ўлароқ, bemorлар ўз касалликларига нисбатан танқидий муносабатда бўладилар.



Неврозларнинг асосан 3 таистерия, неврастения ва психастения (миядан кетмайдиган ҳолатлар) тури фарқланади. Айрим «аъзолар неврози» (юрак, меъда, ўпка) ҳозирги вақтда неврозларнинг алоҳида тури эмас, балки унинг сомато-вегетатив белгилари деб ҳисобланади. Неврозлар кўп учрайди ва йилдан-йилга кўпайиб бориш қонунига эга. Неврозлардан неврозга ўхшаш ҳолатларни ажратмоқ зарур, бу белгилари жиҳатдан Неврозларга айнан ўхшаб кетсада, бироқ улар руҳий изтироблар оқибатида эмас, балки бошқа ҳасталик, хафақон, мия қон то-мирлари атеросклерози, шизофрениянинг бошлангич белгиси сифатида намоён бўлади. Неврозларнинг айрим турлари келиб чиқишида киши шахсининг касаллик олди хусусиятлари (преморбид) катта аҳамиятга эга. Шунингдек, олий нерв фаолияти ожизроқ кишилар шундай фаолияти кучли кишиларга нисбатан неврозларга кўпроқ мойил бўладилар. Бундан ташқари, биринчи сигнал системаси юқорироқ бўлган кишиларда истерия, иккинчи сигнал системаси кучлироқ бўлганларда эса миядан кетмайдиган ҳолатлар неврози кўпроқ учраши исботланган. Булар аралаш невротик ҳолатлар кўринишида ҳам намоён бўлиши мумкин. Неврозларни даволашда психоген омилларни бартараф этиш зарур. Дори-дармонлар билан бирга психотерапия ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Невроз белгилари узоқ ёки қисқа вақт давом этишидан қатъи назар, бутунлай тузаладиган касаллик. Бироқ, бу даволаш жараёни бир ой, баъзида ундан ҳам кўп давом этади. Болалар ва ўсмирларнинг 5-8% клиник ифодаланган, кундалик турмушида изтиробларга сабаб бўладиган ёки унга халақит берадиган невротик бузилишлар қайд этилади.

Неврознинг асосий белгилари:

- Жаҳлдорлик, тез асабийлашиш
- Уришиб кетиш, ишончсизлик
- Бош оғриғи, бош айланиши
- Уйқу бузилиши, ёмон тушлар кўриш
- Паришонхотирлик, хотира пасайиши
- Тез чарчаб қолиш
- Умумий ҳолсизлик
- Тушкунлик, ёлғизликка интилиш

Невроз касалликоми? Хўш, агар касаллик бўлса уни қандай даволаш мумкин. Ҳозирги кунда неврозни даволашда психологик ва клиник усуллардан фойдаланмоқда. Касаллик аввалига асабийлик ва чарчоқ белгилари билан бошланади. Ўз вақтида даволанганда бошқа аломатлар кузатилмайди. Инсон ҳаётида асаб бузилишига сабаб бўладиган ҳолатлар учраб туради. Бундай вазиятга нисбатан ҳар ким ўз характеристи, соғлиги ҳамда жисмоний ҳолатидан келиб чиқиб жавоб қайтаради. Агар кимdir куюшқондан чиқиб кетгудек бўлса, атрофдагилар унга: «Сен невроз бўлиб қолибсан», дейди. Неврозда нерв системаси озиқланишининг бузилиши ва чарчаши билан кечадиган дистрофик жараён. У баъзиадабиётларда неврастения (невро — нерв, асаб, озиқланишнинг бузилиши, астения — чарчашдегани) дебҳамюритилади.

Хулоса қилиб айтганда ўсмирлик давридаги физиологик ва психологик хусусиятлар ўзига хос кўринишга эга бўлиб, инсон тараққиёти ва етилишининг маълум босқичи ҳисобланади. Бундай ҳолатларда ота-она, маҳалла, ўқув муассасалари фарзанд



тарбияси учун кўпроқ эътиборлироқ бўлиши талаб этилади. Доимий равшда ўсмиirlар ўртасида ўтиш давридаги рухий зўриқишлиарнинг ортиб бориши ва невротик ҳолатлар ўсмиirlинг депрессив ҳолатга олиб келади ва бу ҳолат унинг психологик саломатлиги салбий таъсир қиласи.

### Адабиётлар рўйхати

1. Bekmirov T. НЕВРОЗ-ЗАБОЛЕВАНИЕ? ЧТО НАМ НУЖНО ЗНАТЬ О НЕМ. – 2021.
2. Бекмиров Т. Психологические особенности неврозов у подростков //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/S. – С. 541-547.
3. Бекмиров Т. Р. Формирование эмоциональная устойчивость личности //Интернаука. – 2021. – №. 1-2. – С. 26-27.
4. Бекмиров Т. Р. Формирование эмоциональная устойчивость личности //Интернаука. – 2021. – №. 1-2. – С. 26-27.
5. Мелибаева Р. Н. Формирование самостоятельного и творческого мышления студентов в процессе поиска решения проблемной ситуации //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2012. – №. 12.
6. Melibaeva R. N. Status and Prospects of Medical Psycho-Diagnostics in Uzbekistan //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – Т. 8. – №. 12. – С. 555-565.
7. Melibayeva R. N. et al. Psychological mechanisms of development students' creative thinking //International journal of scientific & technology research. – 2020. – Т. 9. – №. 03.
8. Narmetova Y., Kuldosheva G., Bekmirov T. The Psychological Services Role in the Psychodiagnostics and Psychocorrection of Psychosomatic Patients in the Psychoemotional Situation //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – Т. 8. – №. 12. – С. 249-256.
9. Нарметова Ю. К. АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ В КЛИНИЧЕСКИХ УЧРЕЖДЕНИЯХ //Человеческий фактор: Социальный психолог. – 2017. – №. 1. – С. 119-123.
10. Нарметова Ю. К. ОСОБЕННОСТИ ПСИХОКОРРЕКЦИОННОЙ РАБОТЫ С БЕРЕМЕННЫМИ ЖЕНЩИНАМИ //Контактная информация организационного комитета конференции. – 2016. – С. 35.
11. Tursunaliyevna A. M., Karimovna N. Y. МАКТАБГАЧА TARBIYA MUASSASALARIDA MADANIY-GIGIYENIK MALAKALARNI TARBIYALASH-BOLALAR ORGANIZMINING JISMONIY RIVOJLANISHIDA MUHIM VOSITA //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 98-103.
12. Нарметова Ю. К. ПСИХОСОМАТИК БЕМОРЛАРНИНГ ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 21-28.



13. БекмировТ. Р. ПОНЯТИЯНЕВРОЗАВПСИХОЛОГИИИХИНТЕРПРЕТАЦИЯ //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 90-93.
14. Nuraliyevich N. A. TIBBIYOT XODIMLARINING KASBIY IDENTIFIKATSIYASINI O ‘ZIGA XOS PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 6-9.
15. Нарметова Ю. К. Социально-психологический механизм организации психологических услуг в медицинских учреждениях (на примере больных с онкологическими заболеваниями) //Школа будущего. – 2015. – №. 3. – С. 148-153.